

СЕЛ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ХАМДА ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Наманган муҳандислик қурилиш институти

Хаётий фаолият хавфсизлиги катта ўқитувчиси Мамадалиев.Ш

Хаётий фаолият хавфсизлиги ўқитувчиси Юлдошев. Ш.

Аннотация

Бугинги кунда мамлакатимизда табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар кўлами йилдан-йилга ортиб бориши, айниқса сел ва сув тошқини юзага келиши тобора кучайиб бормоқда. Сел ва сув тошқинини олдини олиш мамлакатимиз сиёсий устувор йўналишларидан биридир.

Халқаро амалиётда сел ва сув тошқинларини олдини олишга қаратилган тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, аҳолини фавқулодда вазиялардан муҳофаза қилишнинг энг самарали усулларида биридир.

Калит сўзлар: сел, аҳоли, комиссия, фавқулодда вазият, сув тошқини, иқлим ва бошқалар.

FLOOD AND ITS CONSEQUENCES AND THE CAUSES OF THE ORIGIN AND DEVELOPMENT OF

Namangan Institute of Engineering Institute

Senior Teacher of Life Specialization Mamadaliev.Sh

Life safety teacher Yuldashev.Sh.

Annotation

Today, the scale of natural-featured emergencies in our country is increasing year by year, especially with the occurrence of floods and floods. Flood and flood prevention is one of the political priorities of our country. Timely implementation of measures aimed at preventing floods and floods in international practice is one of the most effective ways to protect the population from emergency situations.

Keywords: flood, Population, Commission, emergency, flooding, climate, etc.

Сел оқимлари жуда катта зарар етказадиган табиий офат бўлиб, у дунё бўйича ҳар йили минглаб кишиларни бошпанасиз қолдирмоқда,

ёстиғини куритмоқда. Бу ходиса Республикамиз худудини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Тарихий манбаларга назар ташласак худудимизда XX асрнинг ўрталарида бу жараён табиий омил натижасида ривожланиб борганлигини кўрамиз.[3]

Республикамизнинг бир қатор вилоятлари, жумладан Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарканд, Тошкент вилояти ва бошқа тоғли ва тоғ олди худудларида кўпроқ рўй бериб туради.

Янги, тоғ олди адирликларида кўндалангига техник ишлов берилиши натижасида ёнбағирнинг турғунлиги пасайиб кетади ва бу ҳол аввалига маҳаллий, кичик-кичик, сўнг йирик кўчкилар пайдо бўлишига олиб келади. Айниқса бундай жойлар аҳоли яшайдиган қишлоқларга яқин бўлса жуда катта хавф туғдиради.[1]

Сел қачон, қай вақтда қандай куч билан келишини олдиндан айтиш анча мушкул. Ҳалкимиз бекорга селни табиатнинг ўта хатарли, фалокат келтирадиган, кутилмаган офат деб атамайди.

Сел оқимлари ҳақида умумий тушунчалар. Сел оқимлари деб, тоғли худудларнинг ҳавзаларидан, қаттиқ жисмлар аралаш, тўсатдан, қисқа муддатда келадиган оқимларга айтилади. Улар, одатда шиддат билан келиб, йўлида учраган барча тўсиқларни емириб, ўпиради.

Республикамиз худудида сел оқимлари кўпроқ Фарғона водийси, Чирчиқ, Ангрен, Зарафшон, Сурхандарё, Қашқадарё ва Сангзор дарё ҳавзаларида учраб туради.

Селлар оқими - бу ўзанли оқимлар. Оқимларнинг тезлиги 20-30 м/с (10-100 км/с). Сел сўзи арабча-сайль сўзидан олинган бўлиб «жўшқин» оқим маъносини билдиради. Тоғли водийларда селлар қисқа ва ўзига хос хусусиятга эга. Селлар таркиби сувдан ва ҳар хил тоғ жинсларидан иборат бўлади.

Яширин сел ўчоғи - бу сел ўзанининг майдони ва юмшоқ грунтдан иборат. Сел ўчоқлари сел ўнқир-чўнқирларига ва сел ёриқларига бўлинади. Селлар тошли, қумли, лойли ва тошли-лойли селларга бўлинади.[3]

Сел - сувнинг механик фаолиятдан юзага келадиган мураккаб жараён бўлиб, турли омилларнинг (иклим, гидрологик, геоморфологик, геологик ва бошқ.) ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Унинг тарқалишида маҳаллий шароит алоҳида ўрин эгаллайди.[4]

Сел вужудга келадиган ёки содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган жойлар сел ўчоғи деб юритилади. Сел ўчоғи пайдо бўлишининг асосий кўрсаткичи гидрометеорологик шароит ҳисобланади. Узоқ муддатли жала ёғиши ва музликларнинг қисқа муддатда кучли эриши оқибатида дарё ўзанларидаги сув миқдори кескин кўпайиб кетади. Натижада сув билан аралашган (қум, шағал, дағал бўлакли жинслар) оқим пайдо бўлиб, кўпгина кўпоровчилик (вайронагарчилик) ишлари вужудга келади.[5]

Селнинг келиб чиқиш сабаблари кучли ёмғир, қорнинг ва музликларнинг эриши, сув ҳавзаларининг очилиб кетиши ҳамда камдан-кам ҳолларда зилзила натижасида содир бўлади.

Селнинг келиб чиқиши ва ривожланишини 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Тоғли ҳудудларда узоқ тайёргарлик.
2. Ўз мувозанатини йўқотган қияликнинг тез силжиши.
3. Тоғ водийларда сел ва сувда оқиб келган жисмларнинг аккумуляцияси.

Сел кучи юз минг, баъзида миллион куб метрни ташкил этиши мумкин.[2]

Сел оқими хавфи туғилишининг белгилари. Аввало, сел ва жойларда эҳтимоли юқори бўлган бошқа хавфлар тўғрисидаги маълумотга аҳолининг барча табақаси эга бўлиши шарт. Хусусан, сел хавфи бўлишига меъёридан ортиқ жала қуйиши ёки мавсумга хос бўлмаган ҳароратнинг бирдан кўтарилиши сабабчи бўлади. Дарё ва сой сувлари миқдорининг ошиб кетиши, уларнинг юқори қисмида барча шовқинларни қамраб олувчи кучли гумбурлаш, оқимдаги йирик тошларни бир-бирига урилиши натижасида ваҳимали ларза пайдо бўлиши сел оқимидан далолат беради.[3]

Сел оқимларига олдиндан тайёрланишнинг самарали усулларида бири агротехник, гидротехник ободонлаштириш мажмуасига кирувчи бир қанча

ташкилий-хўжалик тадбирларини амалга оширишдан иборат. Бундан ташқари сел хавфи мавжуд жойларда дарё ўзанлари, сув омборлари, каналлар, қирғоқларни мустаҳкамлаш зарур, бундай иншоотлар бўлмаган жойларда сел тутқичлар, оқимни аҳолига зарари тегмайдиган жойларга йўналтирувчи тармоқларни қуриш лозим.

Миллатимизга хос бўлган ҳикматлардан “Сердарахт қишлоқни сел олмас” деган доно фикрга амал қилинса, ёғингарчилик қанчалик кўп бўлмасин, сел оқими таркибида чўкинди жинслар мутлақо бўлмаслигига эришиш мумкин.[5]

Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, қурилиш иншоотларини режалаштиришда сел хавфи бор жойлардан узоқроқда бўлишга қатъий риоя қилиниши керак. Яна бир муаммо ҳозирги вақтда қир-адирларни ўзлаштириб суғорма ерларга айлантириш ҳоллари кўп учрамоқда. Бу ерларда агротехник ишлов беришга, яъни адирларни кўндалангига ҳайдаш ёки суғориш иншоотларини шу йўналишда бўлишига чек қўйиш керак. Чунки бундай тадбир сел оқаваси пайдо бўлишига, унданда ривожланиб кўчки, эрозия жараёнлари кескин ортиб кетишига олиб келади.

Сел натижасида содир бўладиган талофатларни бартараф этишда қутқарувчиларнинг ҳар жиҳатдан тайёрлиги муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, қутқарувчиларнинг касбий тайёргарлик бўйича билим, малакасини ошириш усулларида ўз ўрнида самарали фойдаланиш ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларда ўтказиладиган касбий тайёргарлик бўйича назарий ҳамда амалий машғулотларни тўғри ташкил этиш, самарали ўтказиш қутқарувчининг юқори касбий тайёргарлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.[1]

Юқоридагиларни ўрганиш асносида қуйидагиларни тақлиф сифатида бераман:

биринчи, ҳудудий тошқинга қарши қурашиш комиссиялари сел ва сув тошқини хавфи юқори бўлган аҳоли яшайдиган пунктларда ижтимоий соҳага доир муассасалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларида сув

тошқинлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш бўйича семинарлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилишини янада ривожлантириш;

иккинчи, йилнинг сел ва сув тошқини юзага келиши мумкин бўлган мавсумида, ОАВ орқали аҳолини сел ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва огоҳлантириш юзасидан тайёрланган видеоролик, реклама ва тақдимотларни телевидениядаги барча каналларга эфирга узатишни йўлга қўйиш;

учинчи, сел ва сув тошқинларидан аҳолини муҳофаза қилиш бўйича илмий журналлар, услубий қўлланмалар ва адабиётларда янада кенгрок ёритиб боришни йўлга қўйиш;

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сел ва сув тошқинларини олдини олиш ҳамда аҳолини бундай фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг олдини олиш бўйича янада такомиллашган илмий асосларни ўйлаб топиш ва яратишдан иборат. Аҳолини сел ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишни ривожланиши бўйича чуқур ўйлангани чора-тадбирлар асосида илмий услубий қўлланмалар яратиш ҳамда ишлаб чиқиш зарурлигини аҳолини ўқитишнинг янгича асосларини яратишимиз зарур. Хавфсизлик жихатидан ҳар бир фуқаро уйи, иш жойи сел ҳаракати зонасида жойлашган ёки жойлашмаганини билиши керак. Сел оқимлари таъсирида рўй бериши мумкин бўлган асосий хавф бино ва иншоотларнинг емирилиши ва сув остида қолиши, одамларнинг ҳалок бўлишидир. Бундан ташқари, кучли сув оқими электр тармоқлари, газ, сув билан таъминлаш ва канализация тизимини ишдан чиқариши, натижада ёнғин чиқиш ва заҳарланиш хавфи юзага келиши мумкин. Ёнғингарчилик ўтиб кетганидан сўнг ҳам тоғ водийларига тушишга ҳеч вақт шошилиш керак эмас, чунки биринчи сел оқимидан сўнг кейингилари такрорланиши эҳтимоли бор. Аҳолини сел оқими ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш бизнинг асосий мақсадларимиздан бўлиши зарур

шу жумладан хар қандай фавқулодда вазиятларда аҳоли ўз-ўзини химоя қилиш қобилиятини яратиши учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2016 йил 9 январдаги “Вазирлик ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмалари қутқарувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 9-сонли буйруғи.
4. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиши ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги қарори (№ 455, 27.10.1998).